




**КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИСИНинг
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ НАЗАРИЯСИ ВА
ХУСУСИЯТЛАРИ**

РЕЖА:



1

Ўқитувчининг асосий вазифалари

2

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар.

3

Педагогик фаолиятнинг самарадорлиги.

4

Ўқитувчининг инновацион фаолияти.

Ўқитувчининг асосий вазифалари

Комил инсонни таркиб топтиришнинг
қонунийт, қоида ва зарурий сифатларини
аниқлаш

Педагогикадаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги
давр хусусий методикаси билан узвийлик
муаммоларини ишлаб чиқиш ва янги педагогик
технология қонунларига амал килиш

Таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил,
метод ва усулларини мактаб амалий ҳаёти билан
боғлаб, бўлажак ўқитувчиларга ўргатишдан иборат



Асосий педагогик категориялар



Тарбия – ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот-дунёқараши, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туқилгандан бошлаб умрининг охиригача оиласда, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёндир.



Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникумга ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.

БИЛИМ – бу
ўқуевчилар ўқиши
орқали билим
билинадиган
қуролланадилар.
Билимни ҳаётда
кўп унум
берадиган қилиб
қўллай олиш
учун билим
билинадиган
қўникма ва
малака ҳосил
қилиш лозим.

Кўникма –
машқ қилиш
натижасида
бериладиган
ҳаракатлар
йиқиндисидир.
Иқтидор ва
кўникма
такрорлаш орқали
малакага
айланади.**Билим**
асосида кўникма ва
малака пайдо
бўлади.**Билим**
бахсда керак бўлса,
кўникма меҳнатда,
дунёни
ўзлаштиришда
зарур.

Маълумот –
таълим –тарбия
натижасида
олинган ва
тизимлаштирил
ган билим, ҳосил
қилинган кўникма
ва малакалар
ҳамда
шаклланган
дунёқараашлар
мажмуидир.

Үқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар.

**Педагогик
фаолият**

**Педагогик
маҳорат**

**Педагогик
қобилият**



- **Педагогик фаолият** – бу ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, ёш авлодга таълим-тарбия бериш учун маҳсус тайёрланган мутахассисларнинг меҳнат фаолияти.
- **Педагогик маҳорат.** Ўқитувчи муваффақиятли ишлаши учун педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади.
- **Педагогик қобилият.** Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронлиқдан фарқ қиласади. Малака ва уддабуронлик, машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса, яна истеъдод, лаёқат ва зеҳн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталувчи руҳий хусусият тараққий этади.

Педагогик фаолиятнинг самараали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуийдаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти


фанинг тегишли соҳаларига оид билиш қобилияти. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш қобилияти

ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир.


3. Кузатувчанлик қобилияти

ўқувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлиkdir.



4. Нутқ қобилияти

нутқ ёрдамида хамда имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равshan ифодалаш қобилиятидир



5. Ташкилотчилик қобилияти

ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал қилишга руҳлантиришни хамда ўз ишини тўғри уюштириш

6. Обрў орттира олиш қобилияти

- ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиш ва шу асосда обрў қозона олиш демакдир.

7. Тўғри муомала қилиш қобилияти

- ўқувчиларга муомалали ҳолда яқинлаша олиш, улар билан муомала одобига оид жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш.





8. Келажакни кўра билиш

- ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билиши, ўқувчининг келгусида қандай мутахассис бўлишини тасаввур қила олиши, ўқувчида қандай инсоний фазилатларни янада тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти

- диққатни айни бир пайтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчи учун алоҳида аҳамият касб этади.

**Луғавий жиҳатдан “инновация”
тушунчаси инглиз тилидан таржима
қилинганда (“innovation”)
“янгилик киритиш” деган маънони
англатади. Мазмунан эса “инновация”
тушунчаси муайян тизимнинг ички
тузилишини ўзгартиришга
қаратилган фаолиятни ифодалайди**

Инновацион фаолият

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.



Педагогнинг инновацион фаолияти



. Педагогнинг инновацион
фаолияти:
янгиликни құллашга
тайёргарлиги;
педагогик янгиликтарни қабул
қилиши;
новаторлик даражаси;
коммуникатив қобиляйтнинг
ривожланғанлиги;
ижодкорлығи билан
белгиланади.

■ Педагогларда инновацион фаолият
кўникмаларини шакллантиришда
жамоадаги психологик муҳит, жамоа
аъзоларининг жаҳон таълим
янгиликлардан хабардорликлари
муҳим аҳамиятга эга




Инновацион фаолият

Таърифи	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги ғояларнинг эски ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият
Максади	илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажрибасинов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратиш
Педагогнинг инновацион фаолияти белгилари	янгиликни қўллашга тайёргарлиги; педагогик янгиликларни қабул қилиши; новаторлик даражаси; коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги; ижодкорлиги

**Инновацион фаолият педагогнинг руҳий,
ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга
йўналтириш асосида назарий билим,
амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш,
амалий фаолиятни назарий билимлар
билин тўлдириб бориш, билиш,
лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва
ташкилотчилик маҳоратини
ривожлантиришни талаб этади**

Инновацион ёндашув (В.Сластенин):



L/O/G/O



Эътиборингиз учун раҳмат!